
Солиқ қарздорликларини ундириш чоралари кўрилмоқда

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш чораларини кўрилишини таъминлаш мақсадида Бюронинг Фурқат туман бўлими томонидан солиқ идоралари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий 2022 йилнинг ўтган 6 ойида бўлим иш юритувидаги 1306 та 18 млрд. 932,9 млн. сўмлик ижро ҳужжатларидан давлат ижрочилари томонидан қарздорнинг мол-мулкларини реализация қилиш, ундирувни уларнинг дебиторлик қарздорларига қаратиш ҳамда ҳисоб рақамларига инкассо топшириқномалари қўйилиши натижасида 128 та ижро ҳужжати бўйича 14,0 млрд. сўм амалда ундирилди.

Ҳозирда қолдиқ ижро ҳужжатларини ижросини таъминлаш мақсадида, қарздорларнинг банкдаги барча ҳисоб рақамларига банд солиниб, мол-мулклар электрон онлайн-аукцион савдоларига қўйилган.

Бу борада ишлар жадаллик билан амалга ошириш давом эттирилмоқда.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Фурқат туман бўлими

2022-07-16 14:48:56